

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 4 декабрь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (11.047)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарорлари матбуотда эълон қилинди.

● «Маънавият» наشريёти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигини аjoyиб туҳфа билан кутиб олди. Нашриётда Асосий Қонунимизнинг моҳиятини ифода этувчи 20 кўринишдан иборат плакатлар мажмуаси чоп этилди.

● Тошкентда 28 ноябрь — 1 декабрь кунлари «Россия — Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик» мавзусида Россия миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни, икки мамлакатдаги тармоқ корхоналарининг шериклик алоқаларини янада ривожлантиришга кенг йўл очди.

● Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги олдида Андижондаги таълим муассасаларида «Конституциямиз — бахтимиз қомуси» шиори остида ҳуқуқий маданият ойлғи бўлиб ўтмоқда. Кўрик-танловларда эса мактаблар жамоалари Конституция ҳақидаги билимларини намойиш этмоқдалар.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан Бухоро вилояти адлия бошқармаси «Энг яхши ФХДё ходими» кўрик-танловини ўтказди.

● Вьетнамда ўтказилган таэквондо ВТФ бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнирда Акмал Эргашев, Дмитрий Ким ва Евгения Каримова каби ҳамюртларимиз ўз вази тоифаларида галаба қозониб келаси йил Хитойда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини кўлга киритишди.

● Фарғонада уч кун давомида «Асал байрами» бўлиб ўтди. Олтинчи марта ташкил этилган ушбу тадбирда асалнинг турфа турлари ва гул чанги, прополис каби асалари-чиликнинг бошқа маҳсулотлари сотувга чиқарилди.

● Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси вилоят матбуот ва ахборот бўшқармаси ҳамда «Ўзқитобсавдо» вилоят бўлими билан ҳамкорликда Маънавият тарғибот марказида умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари кўргазма-ярмакеси ташкил этди.

● Бешкент шаҳридаги қишлоқ хўжалик техникаси учун радиатор ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қарши радиатор» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида 2 мингта радиатор тайёрланди.

● «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятига қарашли даволаш-профилактика мажмуи учун хориждан 115 минг АҚШ долларига «Лапороскоп» ускунаси олиб келинди. Бу билан 11 минг нафар кишига хизмат кўрсатувчи шифохонада катта қулайлик яратилди.

● Россия Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра парламентнинг қуйи палатаси — Давлат думасига сайловларда қатнашган бюллетенларнинг салкам 98 фоизи сарҳисоб қилинган. Дастлабки натижаларга кўра, унда «Единая Россия» партияси 64,1 фоиз, КПРФ 11,6 фоиз, ЛДПР 8,2 фоиз ва «Справедливое Россия» партияси 7,8 фоизга овоз олишга муваффақ бўлган. Сайлов натижалари расман 7-8 декабрь куни эълон қилинган.

● Кеча Донецк областидаги Засядько номили шахтада 1 километр чуқурликда учинчи бор портлаш рўй берди. Портлаш натижасида беш нафар қутқарувчи ҳалок бўлди, 30 нафар шахта ишчиси турли даражада жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Мамлакат Президенти қарорига кўра ушбу шахтада ишлаш вақтинча тўхтатилди. Кетма-кет портлашлар сабабларини аниқлаш учун Россия, АҚШ, Германия ва Польшадан экспертлар жалб этилади.

● Исроил кеча фаластинлик 429 маҳбусни озод қилди. Исроил ҳукумати Аннаполисдаги Якин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалаларига бағишланган халқаро конференциядан сўнг шундай қарорга келди. Озодликка чиққанларнинг асосий қисми Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббоснинг ФАТХ партияси аъзолари.

● Венесуэлада мамлакат Президенти Уго Чавес ташаббуси билан Конституцияга 69 та ўзгартиш киритиш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Унда овоз берувчиларнинг 51 фоизи Конституцияга ўзгартишлар киритишга қарши эканликларини билдирдилар.

● АҚШ Ҳарбий Ҳаво кучлари F-15 самолётларининг парвозини таъқиқлаб қўйди. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, жорий йилнинг 2 ноябрь куни шу рўсумдаги самолёт кулаб тушгандан сўнг ана шундай қарор қабул қилинган.


● Лондонда ўтказилган ким ошди савдосида 1904 йилда ясалган «Роллс-Ройс» машиналарининг дастлабки туркумидан ўрин олган автоулус 6 миллион 400 минг долларга сотилди. Айтиш кераки, ўшанда 16 донга автомобиль ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан атғи икитаси ҳозирда мавжуд.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

- **ТОШКЕНТ** юридик коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган анжуман «Конституциямиз — буюк келажакимиз пойдевори» деб номланди.
- **МИРЗО-УЛУҒБЕК** туманида меҳрога ташна болажонлар иштирокида кеча ўтказилган хайрия тадбири 3 декабрь — Халқро ноғиронлар кўнига бағишланди.
- **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йилгига туҳфа сифатида ноширлар томонидан тайёрланган «Ижтимоий ҳимоя» атамалар изоҳли луғатининг тақдироти кеча бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан)



ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ТАНЛОВ

1 ДЕКАБРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2007» РЕСПУБЛИКА ЁШЛАР ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИНИ ТАНТАЛИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шу муносабат билан бу ерга талаба-ёшлар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари тақдир этилди.

Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда улғайиб келаётган ёш авлоднинг Ватанимиз тақдирини, унинг буғунги ва келажак учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мус-

тақил ва янғича фикрлайдиган шахс этиб воғга етказиш масаласига давлатимиз сўбатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда таълимнинг барча тизимларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин:
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшга тўлган эркеклар;
 - г) чет эл фуқаролари.
2. Эътиёсизлик оқсасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
3. Мазкур Қарор кўча киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўққонлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўтالمай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кўнча қадар қонуний кўнча қирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Таққиланган таққилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Қарорнинг 1-ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасида олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилиган ишлар тўғатилсин.
7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:
 - а) қасдан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;
 - б) қасдан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.
8. Таққил этилмасин:
 - а) мазкур Қарор — ўта хавfli рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибиде жазодан озод бўлган, яна қасдан жиноят содир этган шахсларга;
 - б) мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган чет эл фуқаролари бундан мустасно;
 - в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6-, 7-бандлари — таққиланган таққилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.
9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
10. Ушбу Қарор эълон қилинган кўндан эътиборан кўнча қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 30 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ХАБАР ҚИЛИНГАНДИК, 30 НОЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг тақдир этилган аъзоларини, ўтказилаётган ялпи мажлис кўн тартибига киритилган масалаларга фаолият дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўдилар.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров бошқарди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ки-

ритилган амнистия тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда бошладилар ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Бу ҳужжат инсонпарварликнинг ёрқин намунаси, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллиги билан амалга оширилаётганлигининг яна бир далили эканлиги таъқидлаб ўтилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети кўриб чиқилди. Мухокама асосида Давлат бюджети иқтисодий ислохотлар усту-

вор йўналишларини ҳисобда олиб тайёрланганлиги ҳамда макроиқтисодий барқарорлини мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилганлигига алоҳида ургу берилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг харажатлар қисмида ижтимоий сўбат соҳасидаги устувор вазифалардан бири сифатида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш тамойилини сақлаб қолиш назар-

да тутилмоқда.

2008 йилги инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида кўриб чиқилган Давлат бюджетиде назарда тутилган маблағларнинг асосий қисми умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга доир давлат мақсадли дастурларини амалга оширишга йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда)

ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ ҚАРИМОВ 3 ДЕКАБРЬ КУНИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси С.Қудайбергенов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юқини камайитириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Исроил Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодиётимиз ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими тақомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари узлуксиз давом этмоқда. Буларнинг барчаси олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг амалий ифодаларидир.

Исроил Каримов мамлакатимиз иқтисодиётида Қорақалпоғистон Республикасининг муносиб ўрни борлигини таъқидлади. Қўнғирот сода заводи, Ҳўжайли шива заводи, «Марказий Осий безак тошлари» қўшма корхонаси, Нўқусдаги мрамар ва кабель заводлари, Урга газ қони, шунингдек, тўқимачилик мажмуаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётидаги янгиликлар, қўлга киритилаётган ютуқлар шу замин аҳлининг фидокорона меҳнати маҳсули эканини қайд этди.

Учрашувда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази раиси Улмаамбет Ҳўжаназаров, Эллиққалъа туманидаги «Фарход Қўшнарзов» фермер хўжалиги раиси Халилла Қўшнарзов, Ўзбекистон Қўрамонли Айтига Адиллов, Қорақалпоқ давлат университети талабаси Лола Маҳаммаддинова ва бошқалар юртимизда тинчлик ва оқсобишлик ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминлишини, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган беқийёс ишлар бевосита Исроил Каримов номи билан боғлиқ эканини алоҳида қайд этдилар. Исроил Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш сингари долзарб масалаларни амалга оширишда муҳим қарол бўлишини таъқидладилар.

В.ЛУКМОНОВ,
А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ДИПЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ДИПЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВА 3 ДЕКАБРЬ КУНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси Н.Янгибоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Адолат» СДП вилоят кенгаши биринчи котиби А.Аҳмедов йиғилганларни номзоднинг таржимаи холи ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъқидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмухамедова нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан Қарши туманидаги «Мустақиллик» қишлоқ врачлик пункти мудири Муқаддас Мирсаидова, «Қўчмас мулк» ва сармоялар агентлиги МҲЖ директори Зокир Раҳимов, Қарши шаҳар «Махсусбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Эркин Ҳўжақўлов, вилоят адвокатлар уюшмаси раиси ўринбосари Норсафар Норматов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўнпартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимининг халқро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот
вотситалари хабарлари
асосида тайёрланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга мўлжалланган маблағлар анчагина кўпайтирилди, унумдорлиги юқори бўлмаган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга доир мақсадли маблағлар ҳам назарда тутилмоқда. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетини маъқулладилар.

Сўнгра парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-24-сонли Қарорига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қонуни муҳокама қилиш асосида ушбу ҳуқуқий ҳужжат солиқ сиёсатини шакллантиришда амалиётда синовдан ўтган принципларига, яъни солиқ солишининг мажбурийлиги, адолатлиги, солиқ тизимининг янгилиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошқоралиги ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барта-раф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчи-нинг фойдасига таъкид қилинишини назарда тутувчи солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси қўлланганига асосланганлиги кўрсатиб ўтилди. Солиқ кодекси солиқ бошқаруви нормаларини қамраб олади, айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш қоидалари ҳамда тўлаш тартибини имкон қадар соддалаштиришни ва бирхиллаштиришни назарда тутди, тадбиркорлар ўзи бизнесларини ўртача мuddатда ривожлантиришни асосли тарзда прогноз қилишларига имкон беради. Сенаторлар ушбу Кодекс ўзидә мавжуд солиқ нормаларининг бутун тизимини жамлаган дег таъкидладилар. Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини маъқулладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқдилар.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Қонунининг асосий мақсади «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 24-моддасининг учинчи қисмидаги ҳамда «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг учинчи қисмидаги нормаларни, яъни жамоат фонди томонидан ҳомийлик дастурлари амалга оширилишида иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш билан боғлиқ нормаларни мувофиқлаштиришдан иборатдир. Ана шу нормаларга биноан маъмурий харажатларга доир чекловлар ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан таъкид этилди. Сенаторлар Қонуни маъқулладилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Давлат бюджетининг газна иқросини жорий этиш ҳисобига бюджет тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг газна иқроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Қонун бюджет маблағларининг ўз ўрнида ва самарали сарфланишини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат қилишни қучайтиришга, ҳамма даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишга, шунингдек, «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна иқроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қондиларини Давлат бюджетининг газна иқроси талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Сўнгра сенаторлар «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Қонунда жумладан Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2007 йил 7 июнда қабул қилинган «Ер қазви участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига Ўзбекистон Республикасининг Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини углеводород қонларини аниқлаш ва қидириш ҳамда углеводородларни қавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида ер қазви участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни бериш бўйича ваколатли орган сифатида белгилашга оид қоида киритиш назарда тутилмоқда. Сенаторлар Қонуни маъқулладилар.

Шундан кейин «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Рес-

публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилиниди ва маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ана шу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг баъзи моддаларига аниқлаштирувчи ўзгаришлар киритилмоқда, жумладан юридик шахсни нафақат тугатиш комиссияси, балки жисмоний шахс (туғатувчи) томонидан ҳам тугатиш имконияти берилмоқда.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур Қонунининг асосий мақсади аҳолининг ҳаётий таъминотини қучайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, товар ва хизматларнинг рақобатбардорлигини ошириш учун янада қулайроқ иқтисодий шароитлар яратиш, шунингдек, уй-жой-коммунал хизматлар нархи мақбул бўлишини кафолатлайдиган, монополияга қарши қаратилган чораларни аниқлаштиришдан иборат.

Чунончи, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар рақобат муҳити шароитларида фаолият кўрсата оладиган ишлаб чиқаришларни табиий монополиялар соҳасидан ажратиб чиқариш ва кейинчалик уларни хусусийлаштириш вазифаларининг бажарилишини таъминлаш имконини беради. Парламент юқори палатасининг аъзолари ушбу Қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қучайтириш бора-сидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тайёрланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Мазкур Фармонда 2007 йилнинг 1 октябрдан эътиборан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саққиз каррасигача ошириш назарда тутилган. Шу нарса ҳам таъкидлаб ўтилдики, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг баъзи моддаларига киритилаётган ўзгаришлар пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга, ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни маъқулладилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. «Олтин акция» деб номланган янги 24-модда билан тўлдиряётганлигига алоҳида эътибор қаратилди. «Олтин акция» деганда айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокисини маҳсус ҳуқуқи тушунилади. Бу ҳуқуқ стратегик аҳамиятта молик давлат корхоналарини хусусийлаштириш ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетларини хусусий мулк этиб реализация қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Таъкидланганидек, Кодексга киритилаётган қўшимчалар транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган телевизиодемонитордан фойдаланганлиги, шунингдек, бундай мониторларни транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан ўрнатиб олганлик учун маъмурий жавобгарликни қучайтиришни назарда тутди. Қонун фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга, ҳаракат хавфсизлигини оширишга ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам парламент юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Жиноят ишлари бирлаштирилган ва алоҳида иш юритувга ажратилган тақдирда, дастлабки тергов мuddатларини ҳисоб-

лаш тартибини бошқариш механизминини тақомиллаштиришга ҳамда қонунда белгилаб қўйилган дастлабки тергов мuddатларига риоя этилиши кафолатларини таъминлашга қаратилган мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган тузатишларга мувофиқ, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича дастлабки тергов мuddати узокроқ мuddат мобайнида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда шу дастлабки тергов мuddати қолган жиноят ишлари бўйича тергов иш юритиш мuddатларини ҳам қамраб олади. Бундай ҳолларда янги қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов мuddати ҳисобга олинмайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни қучураштиришга қаратилган бошқа бир қанча қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

2007 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТИРДИ.

Парламент юқори палатаси аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқилган бошладилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, Қонунининг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг тақомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан етим болаларни ва ота-она қарамағдон маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир. Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда муҳассам эътиди ҳамда мустаҳкамлайди.

Манзил-колониya худудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумга нисбатан уни сақлаш режимини ўзгариштириш тартибини тақомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-иқроия кодексининг 61-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби» деб номланган 542-моддасида жазони ижро этиш муассасаси худудини ёки маъмуриятнинг йўналишмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкуمنى манзил-колониyaдан бошқа тартибли колониyaга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосига биноан суд томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилди. Шу билан бирга маҳкуمنى қамқоқ олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиши мумкин.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик соҳасига доир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Булардан бири «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

Почта алоқаларини йўлга қўйиш ва тақомиллаштиришни таъминлаш ҳамда бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадини кўзловчи Умумжаҳон почта иттифоқига Ўзбекистон Республикаси 1994 йилдан бери тўла ҳуқуқли аъзодир.

Мазкур Иттифоқнинг почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битими пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш билан боғлиқ почта хизматларини тартибга солиди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Покистон Ислоом Республикаси Хукумати ўртасида жинойи ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Шартнома ҳар иккала томоннинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, ҳазога тортилишга мустаҳқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан жиноят ишлари бўйича тергов олиб бориш, жинойи таъкиб қилиш ёки суд ишларини юритишда бир-бирларига ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, унда ўзаро ҳуқуқий ёрдам турлари, Томонларнинг ваколатли марказий органлари, сўралаётган ҳужжатларни тақдим этиш мuddатлари тўғрисидаги аниқ қоидалар бор.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Покистон Ислоом Республикаси Хукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил

14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш асосида сенаторлар мазкур Битим ҳар иккала мамлакат ўртасида юк транспорт қатновини, шунингдек, учинчи мамлакат орқали транзитни амалга оширишни осонлаштириш мақсадида транспорт ҳамда товарлар транзити соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини тартибга солишга қаратилганлигини таъкидладилар.

«Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Ушбу Қонунни қабул қилиш замирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маориф, фан ва маданий масалалари бўйича шуғуланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясида (2003 йил 17 октябрьда қабул қилинган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш мақсади муҳассам деб айтилди муҳокама мобайнида. Конвенция 2006 йилнинг 20 апрелидан қучга кирган бўлиб, ҳозирги вақтда 78 давлат ушбу Конвенцияга иштирокчилар.

Мазкур Конвенция номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, номоддий маданий мерос ва унинг ўзаро эътироф этилиши, шунингдек, номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш масалаларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳими-лига маҳаллий, миллий ва халқаро даража-ларда эътиборни жалб қилиш мақсадида қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда ЮНЕСКО инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари рўйхатини тузган бўлиб, бу рўйхат ташкилотга аъзо бўлган 60 давлатнинг 90 та дурдонасини ўзи ичига олган. Улар орасида Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси – Бойсун тумани-нинг маданий мероси (2001 йил) ва Шашмақом мусика аъналарини (2003 йил) бор.

«Ўзбекистон Республикаси билан Турк-манистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартнома (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш замирида Ўзбекистон Республикаси билан Туркманис-тон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг 2007 йил 18 октябрдаги Туркманистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган шартнома ратификация қилиш мақсади муҳассам топганлигини ало-ҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Турк-манистон ўртасида дўстона муносабатлар-ни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги шартнома икка-ла давлат ўртасидаги аънавий дўстона му-носабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар то-монлама ҳамкорликни барча йўналишлар-да янада қучураштириш ва кенгайтириш ҳамда икки томонлама ҳамкорликка янги-ча сифат ҳамда хусусият баҳш этиш мақса-дида, шунингдек, ҳамкорликнинг шартнома-вий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақса-дида тузилган.

Мазкур Шартномага мувофиқ Томонлар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, сав-до-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техни-кавий ва маданий ҳамкорликни ривожланти-риш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шаро-итлар яратиш мақсадида ҳар иккала мамла-кат манфаатларини қўлаб, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантира ва кенгайтира борадилар ҳамда мустаҳкамлайдилар.

Сенаторлар «Аҳолини Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар худудидә ишлаб чиқарилаётган дори-дар-мон воситалари, вакцина ва бошқа имму-нобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғриси-даги Битимни (Ашгабат, 1993 йил 24 де-кабрь) денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзе-бекистон Республикаси Қонунини кўриб чи-қдилар. Мазкур Битим бугунги кунга қадар ҳам амалда қучга кирмаганлиги, унинг қоидалари ҳозирги вақтда Ўзбекистон Рес-публикасининг хўжалик юритувчи субъект-лари учун ишламаётганлиги айтиб ўтилди. Аҳоли чет элди ишлаб чиқарилган дори во-ситалари, тиббий техника ва ашёлар билан икки томонлама келишувлар асосида таъ-минлаб келинмоқда.

Шундан кейин парламент юқори пала-таси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгариш-лар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига та-алуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чи-қилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг ўн ик-кинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 26 та масала кўриб чиқилди, улар юзасидан бўлган музокараларда 60 нафар сенатор сўзга чиқди.

● Олимларнинг аниқлашларича, қарам таркиби-да инсон учун зарур бўлган юз хилга яқин модда-лар мавжуд. Одамлар бу шифобахш ва тўйимли сабзавотдан жуда кўп фойдаланиб келадилар. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлиги ҳақида қадимги Рим табиблари ҳам ёзиб қолдиришган.

● Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Арава тараққиёт бошқарма-си ташаббуси билан ўтказилган лойиҳа доирасида стерилизациядан ўтган 1,5 миллиарддан ортиқ май-да пашша Исроил, Йордания ва Фаластин мухт-ориятида қўйиб юборилди. Бу пашшалар мева да-рахтлари, асосан цитрусиларни йўқотаётган Урта Ер денгизи пашшасига қирон келтиришда қўллани-лади. Оқдй пашшалар билан қўшилгандан кейин у насл бермайди, натижада бундай ҳашаротлар-нинг янги авлоди пайдо бўлмайди. Исроил цитрус-ли ўсимликлар уюшмаси ҳузурида Биологик ҳимо-яланиш институти доктори Норам Рамлевнинг ха-бар беришича, ҳар ҳафтада мазкур лойиҳада иш-тирок этаётган худудларда самолётлардан қарий 10 миллион стерилизациядан ўтган пашша чиқари-иб юборилади. Бунда Негев ҳўлининг шимолий қисми, Фазо минтақаси ва Йорданиянинг Йордан дарёси водийси худудлари ҳақида сўз бормоқда.

● Ҳозирги замоннинг 100 нафар даҳосини аниқ-лаш бўйича, «Synectics» консалтинг компанияси томонидан кўп босқичли тарзда ўтказилган сўров-нома натижалари яқинда эълон қилинди. Газета-нинг ёзишича, улардан энг кўпи — 43 нафарни АҚШликлар бўлиб, бу борада иккинчи ўринни рўйхат-даги 24 киши билан Англия эгаллаган. Шунинг-дек, рейтингда ЖАР, Бразилия, Хитой, Эрон, Япо-ния, Ирландия, Польша, Германия, Канада, Фи-липпин, Вьетнам, Испания, Голландия, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Австралия ва Норвегия вакиллари ҳам бор. Даҳолар рўйхатига кирган кишилар шах-си ва касб-кори ҳам турли-туман бўлиб, биринчи-ўринни швейцар химиği Альберт Хофман ва бри-танялик компьютер даҳоси Тим Бернерс-Ли ўзаро тақсимлаб олишган. Ҳозирда 101 ёшга кирган Хоф-ман суюқ кристалл экран (ЛСД) иxtирочиси, Бер-нерс-Ли эса Интернет тармоғи яратувчилардан би-ридир. Математик Григорий Перельман тўққизинчи ўринни, шахматчи Гарри Каспаров эса 25-поғона-ни банд этиб турибди. Дунёда энг машур автома-тининг яратувчиси Михаил Калашниковга эса 83-ўри-ни насиб этган. Даҳолар рўйхатида 15 та ўринни аёл-лар эгаллашган, улар орасида Гарри Поттер иҳод-кори Джоан Роулинг ва актриса Мерил Стрип ҳам бор. Санъат ва маданият олами вакиллари, маса-алан, украинalik расом ва ҳайкалтарош Иван Мар-чук, мусикачилар Пол Маккартни ва Девид Боуи, режиссёр Квентин Тарантино, ёзувчи Стивен Кинг ҳам бу рейтингга киришган.

● Ўз итини сайрга олиб чиққан Буюк Британия-нинг полиция инспектори, 50 яшар Крис Пул шу пайтгача исми кўрилмаган ҳужумга учради, деб ёздади «The Daily Mail» наشري. Ўзининг семимли жонивори — Зақ лақабли ити билан айлиниб юрган Крис хонаки сигирлар ўтлаб юрган майдон ёнидан ўтаётган. Одатда беозор бўлган уй ҳайвонлари итни қўришлари билан безовталаниб, таъвокурор-на тусда улар томон юришди. Фермада катта бўлган Крис кўрқмасдан, қўлларини силтаб, сигирларни ҳайдай бошлади. Бироқ, қўтилмагандә улардан бири орқадан келиб уни сузиб йиқитди. Ерга йиқилган заҳоти у ити боғланган арқонни қўлидан қўйиб юбор-ди. Сигирлар уни бироз сузиб туриб, сўнг итга эътибор қаратишди. Бундан фойдаланган Крис бир амаллаб оёқга турди ва майдондан қочиб чиқди. Тез орада уни кўриб қолган йўлчиликлар «Тез ёрдам» чақиритишди ва вертолётда касалхонага элтишди. Буни қаранги, Криснинг тўртта қовругаси синган, ўпкаси жароҳатланган, уст-боши моматалоқ бўлиб кетган экан. Шунингдек, синган суюғи артерия то-мирини ёриб юборганлиги натижасида у кўп қон йўқотган.

● Америка олими З.Ваксман томонидан 1944 йилда стрептомициннинг топилиши сил касаллиги-ни даволашда янги давр очди. Антибиотиклар то-зилган сил менингиити бутунлай бедаво касаллик ҳисобланарди. Эндилиқда бу касалликка стреп-томицин хотима берди. 1948 йилда сил касалликла-ри жаҳон конгрессида машхур олим Ваксманга «Силини енгган инсонга» деган сўзлар ёзилган гул-чамбар қўйдирилди.

● Шарқий Африкада жойлашган Угандада янги қарор қабул қилинди. Унга қўра, никоҳдан ўтунган қадар ўз ифатини сақлай олган қизга давлат то-монидан муқофот берилади. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазир сўзларига қараганда, ҳали боқира-лик учун бериладиган муқофот қанақа бўлиши бел-гиланганича йўқ. Лекин бундан 500 йил аввал расм бўлган аънаънага қўра, қувёга қиқадиган ифатли қизга битта эчки совға қилиш расм бўлган. Соғлиқ-ни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларда таъкидланишича, аёллардан иборат экспертлар гу-руҳи қайси қиз давлат муқофотиға сазовор бўли-шини аниқлаб, ҳукуматга тақдим этади. Уганда ҳуқу-мати вакиллариининг эътироф этишича, бу тадбир мамлакатда СПИД касаллигининг тарқалишини сез-кинлашти



Тадбирлар

КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН. ИНСОН ЭСА ЖАМИЯТ ГУЛТОҶИ. УНИНГ ЯХШИ ЯШАШИ, БИЛИМ ОЛИШИ, МЕХНАТ ҚИЛИШИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ АНА ШУ МУҚАДДАС ГҶШАНИНГ КАМОЛ ТОПИШИГА, ЮРТНИНГ ОВОД БЎЛИБ ГУЛЛАБ- ЯШНАШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Хар бир инсоннинг кадр-киммати, ҳақ-ҳуқуқлари эса Асосий Қонунида бандма-банд кўрсатилиб, белгилаб қўйилган. Яқинда Юнособод туман ФХДЭ бўлими қоши-

да ташкил этилган жамоатчилик асосидаги ёш оила қурувчилар мактабида ташкил этилган ўқув машғулотлари ҳам Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва

унинг ҳаётимизда тутган ўрнига бағишланди.

«Конституция — ҳуқуқларимиз кафолати» деб номланган ушбу тадбирда тумандаги касб-хунар кол-

лежлари, академик лицейлар ўқувчилари иштирок этиб, Асосий Қонунининг мазмун-моҳияти, уни хар бир фуқаро тўла тушуниб етиши, бунинг учун эса аввало ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш лозимлиги ҳақидаги кенг тушунчага эга бўлдилар.

— Бундай тадбирларни ўтказиш мустақиллигимиз ҳақидаги тушунарларни кенгайтиради, эркинлик, озодлик, миллий ва маданий қадриятларнинг қайта тикланганини тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлайди, — дейди биз билан суҳбатда туман ФХДЭ бўлими мудири Марҳамат опа Йўлдошева. — Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдим-

ки, бизнинг мактабимизда ўқув машғулотлари хар ойда мунтазам ўтказилиб келинади. Унда иштирок этадиган ўқувчи, талаба ва турмуш қуриш оstonасида турган бўлажак келин-куёвлар турли мавзудаги машғулотларда бўладиган баҳс-мунозара, савол-жавоблардан бир олам таассурот, керакли кўникмаларни оладилар. Уларга етакчи ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари, олимлар, социолог, руҳшунос ва турли соҳа шифокорлари ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда сабоқ берадилар.

Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 15 йиллиги арафасида ўтказилган ушбу тадбирда унинг 42-моддасидаги: «Хар кимга илмий-техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», деб кўрсатиб ўтилганига эътибор қаратилиб, атрофимизда рўй бераётган хар бир ўзгариш, бунёдкорликлар унинг натижаси экани, шунингдек хар бир ёш ушбу яратилаётган шарт-шароит, эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб бериши ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: ёш оила қурувчилар мактабида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Хорижий нашрлар саҳифаларида

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАР ВА ЖАМИЯТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН БОРМОҚДА

Озарбойжонда чоп этиладиган «ПРАВО ВЫБОРА» ГАЗЕТАСИДА «ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҲКАМ СИЁСИЙ ЗАМИН БАРПО ЭТИЛДИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА БОСИЛИБ ЧИҚДИ. У МАМЛАКАТИМИЗНИНГ 16 ЙИЛ МОБАЙНИДАГИ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ҲАМДА ОЗАРБОЙЖОН — ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН.

Мақолада демократик фуқаролар жамиятини қуриш борасида республикада эришилган муваффақиятлар тўғрисида атрафлича фикр юритилади: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Улим Ҳазонини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қасоқча олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, уларнинг мамлакат Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланиши жинойий қонунчиликнинг изчил либераллаштирилишида муҳим босқич бўлди».

Мамлакатимизда бундай қарорларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг ислохотлар ва умуман, жамиятни демократик янгилаш ва либераллаштириш йўлида изчил ва ишонч билан ҳаракатланаётганидан яққол далолат бериши мақолада алоҳида қайд этилади.

Унда, шунингдек, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилгани ҳамда шу муносабат билан мамлакатда амалга оширилган муҳим тадбирлар, жумладан, Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ривожини қўллаган ҳиссаси» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция, унинг ишида Кавказ муволафатлари бошқармасининг раиси, шайхул ислом, ҳожи Аллошқулов Пошадзода бошчилигидаги Озарбойжон делегацияси иштирок этгани хусусида ҳам атрафлича ҳикоя қилинган.

Газета мамлакатимиздаги эътиқод эркинлиги мавзусига тўхталиб, фуқароларнинг эркин диний эътиқод қилишлари Ўзбекистонда Конституция асосида мустаҳкамлаб қўйилгани, бунинг кунда адлия идораларидан 16 конфессиянинг 2222 диний ташкилоти рўйхатдан ўтганини таъкидлайди. «Уларнинг аксарияти, яъни

92 фоизи табиийки, мусулмон ташкилотларидир, чунки республика аҳолисининг 88 фоизини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этади, деб ёзади газета. Шунингдек, республикада 164 насроний ташкилот, аҳудийлар, буддавийлар ва бошқа диний жамоаларнинг ташкилотлари ҳам эркин фаолият кўрсатмоқда».

Мақолада мамлакатимиз танлаган дунёвий тараққиёт йўлида катта муваффақиятларни қўлга киритаётгани, юртимизда диний маърифатчиликка муҳим эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ жиҳатларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Ўқувчилар эътиборини Озарбойжон — Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқалари мавзусига қаратар экан, газета бу борада қатор истиқболли йўналишлар очилаётганини қайд этади. Улар Ўзбекистондан Озарбойжонга авиация техникасини экспорт қилиш, ўзбек автомобилларини Озарбойжон бозорига, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган турли энгил автомобилларини Жанубий Кавказдаги истеъмолчиларга етказиш юзасидан узоқ муддатли битимлар тузиш имкониятлари билан боғлиқ йўналишлардир.

«Боқуда икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳужжатларро комиссионер навбатдаги саккизинчи қўшма мажлиси ўтказилиши, унинг доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокидаги бизнес-форум, шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини Озарбойжон бозорига олиб кириш мақсадида ташкил этиладиган кўргазма савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида тобора фаоллашиб бораётган икки томонлама алоқаларнинг мантиқий давоми бўлади», деб ёзади «Право выбора» газетаси.

«Жаҳон» АА

«СОҒЛОМ АВОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ «АМБУЛАНС» ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ПАТРОНАЖ КЎЧМА БРИГАДАСИ ШИФОКОРЛАРИ БЕКТЕМИР ТУМАНИ «СУВСОЗ» МАВЗЕСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР, ЁЛГИЗ КЕКСАЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗДИ.

АҲОЛИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТҚАЗИЛМОҚДА

Врач-генеколог, болалар шифокори, эндокринолог, невропатолог, жарроҳ, окулист, кардиолог каби шифокорлардан таркиб толган бригада УЗИ, ЭКГ ускуналарини қўллаш натижасида аниқланган турли касалликларга ташхис қўйиб, кўрсатмалар бериши. Ушбу тиббий кўрик кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар, кўп болали аёллар, яқна-ёлғиз кексалар, болалар саломатликларини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аҳолининг соғлом турмуш кечиришида кўмаклашиш мақсадида ўтказилди.

— Бундай тиббий кўрикдан аҳоли жуда мамнун, айниқса, саломатликларини тиклашда дори-дармонлар-

нинг бепул берилганидан миннатдорлар, — деди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари М.Маҳкамбоева. — Шунингдек, жамғарма томонидан кўмак лаборатория, УЗИ, ЭКГ ташхис ускуналари билан беморларнинг уйда ёрдам кўрсатилди.

Жамғарма шифокорлари ётиб қолган ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, тегишли дори-дармон беришди. Жамғармининг таянч маскани ходимлари касалликларнинг олдини олиш борасида аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказишди.

Сурайё МЕЛИКЛОВА, «Туркистон-пресс»

Транспорт

КОМПАНИЯНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЎЛОВЧИ» КОРХОНАСИ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДА ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛГАНИГА БЕШ ЙИЛ БЎЛДИ.

Республика Давлат мулки қўмитаси бўй-руғи асосида қайта ташкил этилган ва темир йўл орқали ташилларда аҳоли эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириб, сервис инфратузилмасини ривожлантириш билан шугулла-

наётган мазкур корхона жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 10 миллиондан ортиқ йўловчини ўз манзилларда аҳоли эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириб, сервис инфратузилмасини ривожлантириш билан шугулла-наётган мазкур корхона жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 10 миллиондан ортиқ йўловчини ўз манзилларда аҳоли эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириб, сервис инфратузилмасини ривожлантириш билан шугулла-

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

«ИЖТИМОЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ ЖАМИЯТИМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ТУВ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ НУҚТАИ НАЗАРИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА НАВБАТДАГИ ИЖТИМОЙ СЎРОВНИ ЎТКАЗДИ. УШБУ ТАДБИР ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли ушбу сўров долзарб аҳамиятга эга. Негаки, унинг натижалари жамиятимизни ривожлантиришининг мавжуд йўналиши ва умумий гоёларини англаш учун жуда муҳимдир.

Ёшларнинг ҳаётий позицияси — Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига йўналтирилган янги, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда уларнинг ўз ўрнини англаши ва рўёбга чиқариш учун ўзига хос платформа ҳисобланади. Мустақиллик йилларида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари йигит-қизларнинг ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси барқарор ўсганини қайд этиш имконини беради. Масалан, ёшларнинг аксарияти ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайди. Бу борада улар Ватанга садоқат, фидоқорона хизмат қилиш ва эл-юртни ҳимоя қилиш, халқимиз довуруғини дунёга ёйишда иштирок этишга интилиши каби шахсий фаилатларга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон ёшлари фарзандларни миллий ва умумбашари кадриятлар руҳида тарбиялаш, буюк аждодлар мероси ва жонажон юртимиз тарихини билиш, мамлакатимиз Президентини асарларини чуқур ўрганиш таълим-тарбиянинг асосий устувор вазифалари, деб ҳисоблайди.

Сўралганларнинг кўпчилиги учун оила

(52,6), Ватанга хизмат қилиш ва жамиятга фойда келтириш (81,2 фоиз) муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, ёшлар диний экстремизмининг хавфини тўлиқ англаган ҳолда, унга нисбатан салбий муносабатда эканини намён этди. Уларнинг аксарияти — 95,1 фоизи ҳеч қандай диний экстремистик оқимни маъқулламайди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, кўпчилик ёшлар террорчиларнинг ҳокимият учун кураш, Ўзбекистонни демократик ривожланиш йўлидан огдиришга қаратилган геразли ниятларини қоралаб, терроризмга ўзининг салбий муносабатини билдирди.

Ўзбекистон ёшлари ўзининг ҳуқуқий маданияти даражасини холисона-яхши ва ўртача деб баҳолади. Олинган маълумотлар йигит-қизларимизнинг мамлакатимиз Конституцияси ва асосий ҳуқуқий кодексларини яхши билишдан далолатдир. Кўпчилигининг фикрича, таълим ва меҳнат ёшларнинг ўз ҳуқуқий маданиятини оширишдан манфаатдорлигининг ўсишига ёрдам берадиган омиллардир. Бундан ташқари, ёшларнинг Конституция, амалдаги қонунчиликнинг асосий қоидаларини чуқур ўрганиш, ҳуқуқий маълумот олишга интилиши қайд этилди. Сўров қатнашчилари махсус адабиёт ва телекўрсатувлар билан танишиш, даврий нашрларда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги материалларни мунта-

зам ўқиш ҳуқуқий маданиятни шакллантириш воситалари эканини кўрсатди. Ёшлар ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларидан яхши хабардор эканлигини намён этди (75,3 фоиз).

Ёшлар олий таълимнинг аҳамиятини юксак баҳолайди. Муайян мутахассисликка эга бўлиш ва моддий фаровонликка эришишни улар айнан олий маълумот билан баҳолайди.

Аксарият йигит-қизлар ўз келажаги ҳақида ижобий тасаввурга эга — булар ўзи севган касби, таълим, шахсий ривожланиш билан боғлиқ режалардир.

Йигит-қизларнинг ижтимоий маънавий-руҳий стратегияси маълум даражада уларнинг ижтимоий йўналиши, ҳаётда айнан ким бўлиши, жамиятда қандай ўрин эгаллаши билан боғлиқдир. Сўров ёшларнинг меҳнатга иштиёқи юқорилигини кўрсатди. Кўпчилик сўров иштирокчилари ўз касбини ўзгартириб, янги иш бошлашга тайёр. Шунга таъкидлаш керакки, ўтказилган тадқиқотларга кўра, ёшлар орасида меҳнат қилишни истамайдиган «боқиманда» ёки «қўли ишга бормаيدиганлар» ниятда кам.

Улар ўз мақсадига эришиш борасидаги асосий вазифаларини ўзини ўзи моддий таъминлаш, олий ўқув юртига ўқишга кириш, яхши ишга жойлашишга деб билади.

Шу муносабат билан жамоатчилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007

ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ЙЎЛ ОЛДИЛАР

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ КАТОРИ ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲАМ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ. ЮРТИМИЗ МУСУЛМОНЛАРИ ИСЛОМ ДИНИНИНГ БАРЧА АРҚОНЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН, ҲАЖ АМАЛЛАРИНИ ЭМИН-ЭРКИН БАЖАРИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИЛАР.

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир.

Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан маълум қилишларича, истиқлол йилларида 60 минг нафарга яқин юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келган. Жорий йил ҳам беш минг нафардан кўпроқ юртдошимиз муборак сафарга йўл олиши режалаштирилган. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилмаптир.

Бу йил муборак ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкентдан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

— Бир пайлар фуқароларимиз ҳаж сафарига боришни фақат орзу қилишлари мумкин эди, ҳоло, — дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи 72 ёшли Абдурахмон Турдиев. — Истиқлол тўғрисида минглаб хамюртларимиз каби мен ҳам муборак ҳаж амалларини адо этиш шарафига муяссар бўлаётганимдан жуда бахтиёрман. Бунинг учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорим.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

Тиббиёт

КЛИНИК КАСАЛХОНА МУОЛАЖАЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЛИНИК КАСАЛХОНАСИДА ДАВОЛАШ ИШЛАРИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КОРХОНА ҚЎЛЛАБ ЯНГИ ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. ШУ БОИС БУ ЁРДА ТИББИЙ ХИЗМАТНИНГ ҚАТОР ЯНГИ УСУЛЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Ижтимоий ҳимоя йили дастури доирасида ҳам қатор хайри ишлар олиб борилмоқда. Шифохона ходимларининг қўшни маҳаллалар билан ҳамкорлиги кучайди. Чилонзор туманидаги 22 ва 24 мавзёларда йўлга қўйилган тиббий хизматдан аҳоли мамнун.

Ўзбекистон микробиология ва эпидемиология илмий-текшириш институти билан эса жойларда «Шифокор мас-лаҳати» бурчаклари ташкил этилди.

ВАКОЛАТХОНА ФАОЛИЯТИ БИЛАН

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА «ГЕДЕОН РИХТЕР» КОМПАНИЯСИ ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА. ЕВРОПАДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТГАН БУ КОРХОНАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АЛОҚАСИ ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.

Компаниянинг республикада ваколатхонаси очилиши билан бундай ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Ваколатхона Ўзбекистон бозорига доривор препаратлар савдосини кенг йўлга қўйди.

Эндликда қилди аҳоли сифатли дори-дармонлар Тошкентдаги 30 дан ортиқ клиникада ишлатилмоқда. Мутахассислар фикрича, бу препаратлар ижобий таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ўз навбатида ваколатхона республикадаги қатор даволаш-профилактика муассасалари билан ҳам яқин алоқа ўрнатган.

ХАРИДОРБОП ПРЕПАРАТЛАР

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ МАҲАЛЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТОШКЕНТДАГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ҲАМ ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШМОҚДАЛАР.

«Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибида ташкил толган «Фарм Гласс» қўшма корхонаси дори-дармонлар учун махсус шиша идишларни тайёрлашни кенг йўлга қўйди.

«Мед Гласс» шўба корхонаси эса шприц ва вакуум билан тўлдириладиган ампулаларни қўллаб етказиб бермоқда.

Эндликда ампулалар тўлдириладиган инъекцион эритмалар ва кўкун қўринишидаги дори ва даволаш тизимлари «Наво фарма плюс» қўшма корхонаси томонидан чиқарилаётган.

Санъат

ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

ЯҚИНДА ЭКРАН ЮЗИНИ КЎРГАН «ЎТОВ» ДЕБ НОМЛАНГАН БАДИЙ ФИЛЬМ ТЕЗДА ОММАЛАШДИ. ИСТЕЪДОДЛИ РЕЖИССЁР АЮБ ШАҲОБИДДИНОВ ТОМОНИДАН ПОСТАНОВКА ҚИЛИНГАН МАЗКУР КАРТИНА РОССИЯНИНГ АНАПА ШАҲРИДА ЎТҚАЗИЛГАН «КИНОШОС—2007» КИНОФЕСТИВАЛИДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ.

Ушбу халқаро кино кўригида «Энг яхши эркак роли ижроси учун» номинациясида санъаткор Нозим Тулаҳўжаев ҳам голиблар қаторидан ўрин олди. Қўллаб-қувватлаш асарларига режиссёрлик қилиб келаётган бу ижодкор «Ўтов»да бош ролни маҳорат билан ижро этиб, узидидаги актёрлик санъатини ҳам намён қилмоқда.

Янги фильмнинг Тошкентдаги тақдироти ҳам томошабинларга манзур бўлди.

РЕЖИССЁР НОМИДАГИ МУКОФОТ


ТОШКЕНТДАГИ «ИЛҲОМ» ТЕАТР-СТУДИЯСИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАЁТГАН СПЕКТАКЛАР ТОМОШАБИНЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТЛАР ҚОЛДИРМОҚДА. САНЪАТ ҚОШОНАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ БУНДАЙ КЕНГ ОММАЛАШУВИДА УНИНГ СОБИҚ БАДИЙ РАҲБАРИ МАРК ВАЙЛНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА БЎЛДИ.

Бу танikli режиссёр саъй-ҳаракати билан театр репертуари бойиди. Долзарб муаммолар кўтарилган қатор постановкалар ҳам унинг раҳбарлигида сахна юзини кўрди. Устоз санъаткор хотирасини абадийлаштириш мақсадида режиссёр Марк Вайл номидида мукофот таъсис этилди.

Театрда сахналаштирилган энг яхши постановкалар муаллифлари шу фахрли мукофот билан тақдирланади.

Келгуси йилнинг баҳорида мазкур мукофот совриндорлари эълон қилинади.

АКБАР АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ
ҲИКМАТЛАР

Бола-чақа қайғусида банд бўлган киши
Жуда қийин тинч турмушни хаёл қилиши.
Фарзандлар қайғуси: кийими, нони
Эсиндан чиқарар сайри самони.

Майли, ким бўлмасин: пирми, муридми,
Эки зур шоирдир, етук шухратга,
Бу тубан дунёга келиши билан
Обғи асалга илашган пашша.

Хонақудан мадрасага келди юракли киши
Ва тарихат ахли билан улфатчиликини бузди.
Мен сўрадим: «Олим билан художўйнинг фарқи
қандай?»

Деди: «Обид тўфон қўлса, шолчасин ахтарари,
Олим эса сув фарқ қилган кишини қутқазари».

Катта дарё бир тош билан лойқаланиб қолмади,
Ранжиш билган билимдонни жилдираган ариқ де.

Қариндошинг бўла қолса диёнатсиз, беадаб,
Сен ҳам ундан қариндошлик ипин узсанг, яхши гап.

Деворга ёзилган бўлса ҳам ўғит,
Унга амал қилгай эси бор одам.

Эшитдим, бир сипоҳ кундан бир куни
Бўри чангалидан қутқарди кўйни.
Оқшом кўй бўғизига пичоқ ишқадди,
Шунда кўй ялиниб, унга йилгади:
«Аввали бундан қутқарган сенсан,
Билсам, ўша бўри ўзинг экансан!»

Хар дамда умрдан нафас ўтади,
Бир қиб боқунча йитиб кетади!

Йўловчининг тонги ширин уйқуси
Манзилга етишга тўсиқ бўлғуси.

Бирор бурчакда тилсиз,
гунгу лол ўтиргувчи одам
Тилин тиймоқни билмовчи кишидан афзалу
қўркам.

Бирор киши билан қилур бўлсанг жанг,
Боплаб туширгинки, ҳоли бўлсан танг.

Кимки эзгу ном билан
абодий давлат топар
Ўлса ҳам яхшилиқ-ла эсга олингай оти.
Фазилат эгалари мактасин-мактамасин,
Гўзал кизга керакмас

Шунингдек кечада, Ўзбекистон халқ шоири
Жуманиёз Жабборов, «Тафаккур» журнали
бош муҳаррири Эркин Атам, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби,

Сўзлашдан илгари ўйлаб ол бир бор,
Авалл тамал босиб, сўнгра кўй девор.

Хўрос уришаркан жуда пахлавон,
Бургут чангалидан гоятда нимжон.
Сичқон қаршида мушук арслону,
Арслон қаршида мисоли сичқон.

Шоҳларга ўз гапин ўтказган киши
Лозимдир яхши гап топиб айтиши.

Тур тоғи кўп тоғдан тубан, аслида,
Хурмати юксакдур Тангри наздида.

Булоқни тўсса бўлар бел билан,
Тўлса кечиб бўлмас ҳатто фил билан.

Яхшилардан ибрат олмас
таги ярамас инсон,
Юм-юмалоқ гумбаз
усту ёнғоқ турмагансимон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб,
ўзининг амалий ифодасини топаётган «Таълим тўғрисида»
қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009
йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат
умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим
масканлари барпо этиши, ёшларга пухта ва мукаммал таълим
берishi, улар қалбига миллий кадриятларимизга хурмат,
она-Ватанга муҳаббат, истиқлол юғларига садоқат туйғуларини
чўқур синдириш имконини бермоқда.

Бундай эзгу мақсад йўлидаги олижаноб ишларни амалга
оширишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»
жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби
жамоат ташкилотларининг хиссаси катта бўлмоқда.
Бир неча йиллардан буюн ўтказиб келинаётган «Келажақ
овози» республика ёшлар кўрик-танлови бунинг ёрқин
далилидир. Қисқа фурсатда мазкур беллашув ўз маъноси,
мазмун-моҳияти, аҳамияти билан ёшларни эзгу мақсадлар,
илгор юғлар атрофида бирлаштира олган, янги марралар,
изланишлар сари даъват этаётган катта ҳаракатга айлиниб
улғурди. Танлов ғолиблари юртимиздаги нуфузли
стипендиялар, улар орасидаги бир гуруҳ истеъдодли
кишлар эса Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор
бўлмоқдалар. Бундай ёшларнинг яна бир гуруҳи нафақат
юртимизда, балки хорижда ўтказилаётган турли концертлар,
фестиваллар, маданий-маърифий тадбирлар, анжуманларда
муваффақиятли иштирок этишмоқда. 2007 йилдан бошлаб
ушбу танлов ғолиблари ўз йўналиши бўйича юртимизнинг
олий таълим масканларига тест-синовлари сиз имтиёзли
тарзда кириш ҳуқуқига эга бўлган ёшлар учун яратилган
яна бир имкониятдир. Шу билан бирга, ғолибларни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун ҳар йили ёзда ўқув оромгоҳлари ташкил этилиб, ихтироларини патентлашга, баъдий асарларини тўплам ҳолида чоп этишга ақиндан кўмак кўрсатишмоқда. Йигит-қизларнинг орзу-умидлари, қизиқиши ва интилишларини ўзида мужассам этгани боис мазкур танлов бугунги кунда юртимиз ёшлари ўртасида тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. 2005 йилда илк бор ўтказилган танловда уч минг нафар истеъдод эгаси иштирок этган бўлса, жорий йилда ижодий беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда 32 минг нафардан ортиқ ёш куч синашгани бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Танловнинг яқиний босқичида салкам олти юз нафарга яқин иштирокчи тасвирий ва амалий санъат, ахборот ва

бор қаратди. Илмий-техникавий йўналишда тақдим этилган
изланишларнинг эса иқтисодий самарадорлиги, янгиликлиги,
амалиётга жорий этилиши каби кўрсаткичлар ҳақамида
марказида турди. Айни пайтда ёшларнинг йўналишларини
ўқитишда, келажақ учун дахлдорлик ҳис-туйғуси, ўз олдига
қўйган эзгу мақсадлари, фидойилиги, фаол фуқаролик
позицияси каби маънавий мезонлар ҳақамида ҳайъатининг
доимий эътиборида бўлди.

Бу йил бир юз йигирма нафар йигит-қиз турли йўналишлар
бўйича «Келажақ овози-2007» республика танлови ғолиби
бўлди.

Қорақалпоғистонлик Саломат Авеэзов ана шундай ёшлардан
биридир. Болалигидан ногирон бўлишга қарамай, компьютер
технологиялари, адабиёт, санъатга ихлоси баланд.

— Мен ахборот ва коммуникация технологиялари йўналиши
бўйича ғолиб бўлдим, — дейди у. — Бунда меҳрибон устоз ва
мураббийларимнинг хизматлари айниқса каттадир. Танлов биз,
ёшларнинг эзгу орзу-уйларини рўйга чиқариш, юртимизнинг
етақчи олимлари, зиёлиларининг билиш имконини берди. Ўз
наватидида бундай ғамхўрлик ва эътиборга бор кучимиз, билим
ва салоҳиятимизни жонанжон Ватанимиз манфаати, халқимиз
фидойилиги йўлида сарфламоғимиз, фидойиларимизнинг
ишончини оқламоғимиз даркор.

Бу йилги танловнинг яқиний босқичи доирасида пойтахтимизнинг
диққатга сазовор масканлари, муваззам майдонлари, тарихий
обидаларига савҳатлар ўтказилди.

Тантанали маросимда «Келажақ овози-2007»нинг б.бир юз
йигирма нафар ғолибига дипломлар топширилди. Танловнинг
санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт
дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ
Аъло Абдуллаев олган сурат

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ТАНЛОВ



коммуникация технологиялари, рационализаторлик тақлифлари,
техник лойиҳалар ва илмий ишланмалар, ижтимоий лойиҳалар
ва бизнес-режалар, архитектура ва дизайн, баъдий ижод ва
публицистика йўналиши бўйича куч синашдилар. Бу йилги
беллашувга яна бир янги йўналиш — спортнинг қўшилгани
мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соҳада
муайян ютуқ ва натижаларга эришадиган ёшларни ҳар
томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга пухта
замин яратди.

Нуфузли ҳақамида ҳайъати ижодий ишларни баҳолашда
барча йўналишнинг ўзига хос жиҳати қараб, жумладан,
ижодий йўналишларда — истиқлол йилларида мамлакатимизда
барча жаҳаларда эришилган ютуқлар, халқимизнинг буюк
бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти ижодий ишларда қай
тарзда акс эттирилганига алоҳида диққат қилинди.

ТАҚДИМОТ
ХОТИРА УЙҒОНСА
ГЎЗАЛДИР

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР
КУТБУХОНАСИДА «ОЗОД
ШАРАФИДДИНОВ ЗАМОНДОШЛАР
ХОТИРАСИДА» НОМЛИ КИТОБНИНГ
ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ
ЎТДИ.

Тақдимотда Мирзо Улуғбек туманидаги олий ўқув
юртлари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаб
ўқитувчилари, ўқувчилар қатнашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси
Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация
технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид
Дўстмуҳаммад кириш сўзи билан очиб, етук олим, аҳолиб
таржимон ва ўткир публицист Озод Шарафиддиновнинг
семазмон умри, семаҳул ва ўлмас сара асарлари, уларнинг
дузарлиги, ҳаққонийлиги, сиёсий, тарбиявий, баъдий
аҳамияти ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон Кахрамони,
Давлат мукофоти совриндори Озод Шарафиддинов ҳамиша
халқимиз қалбига улуг бир инсон бўлиб қолишини таъкидлаб
ўтди.

Шунингдек кечада, Ўзбекистон халқ шоири
Жуманиёз Жабборов, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири
Эркин Атам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари доктори Умарали
Норматов, филология фанлари доктори Абдуғафур
Расулов ва бошқалар «Озод Шарафиддинов замондошлари
хотирасида» китобининг бугунги кундаги аҳамияти, унинг
ёзилишига оид воқеалар, адиб қолдирган бой адабий,
баъдий мерос ҳақида йиғилганларга гапириб берди.

Тадбирда кутубхона ходимлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар
ўзларини қизиқтирган саволларига адабий-шунослиқ
олимлардан батафсил ва тўлиқ жавоб олиш имкониятига эга
бўлдилар. Тақдимот маросими мунозара, мушоҳада ва
савол-жавобларга бой тарзда яқунланди.

Тақдимот сўнгида ёшлар олим ҳақидаги ёнқ ва ҳароратли
фиқрларини шеър билан ифода этиб йиғилганларни хушнуд
этдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING СУВОН
ШАҲРИДА АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИДА ҲАР ЙИЛИ
ЎТКАЗИЛАДИГАН «АДЖУ ХАЛҚАРО КУНИ» XII
АНЪАНАВИЙ ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ
ЎТДИ. УНДА ДУНЁНИНГ 30 МАМЛАКАТИДАН
ВАКИЛЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Мазкур талабалар анжумани дастури доирасида иштирокчи
мамлакатларнинг тақдимотлари, миллий таом ҳамда миллий
тақдирларнинг, ашула ва рақс ижрочилигининг танловлари
ташкил этилди.

Ҳар бир мамлакат вакиллари ўзлари учун ажратилган
жойини миллий услубда безатишгани тадбирга байрамон
руҳ бағишлади.

Аджу университетиди таҳсил олаётган ўзбекистонлик
талабалар ҳам мазкур тад-

бирда фаол қатнашдилар. Улар меҳмонларга ҳамда тадбир
иштирокчиларига мамлакатимизнинг тарихи, маданияти ва
қўлга киритилган муваффақиятлари тўғрисида ёрқин тасаввур
берадиган суратлар кўргазмасини, миллий қандолатчилик
маҳсулотлари ва миллий либослар бурчагини ташкил этишди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ —
«АДЖУ ХАЛҚАРО КУНИ»
АНЖУМАНИНИНГ ҒОЛИБИ

ри муносиб баҳолади — танлов якунлари бўйича ўзбекистонлик
талабалар «Аджу халқаро кун» XII анъанавий талабалар
фестивалининг ғолиби, деб топилди.

Эътиборга сазовор жиҳати шундайки, юрдошларимиз
ўтган йили ҳам ушбу анъанавий анжуманининг ғолиби бўлишган
эди.

«Жаҳон» / АА
Севул

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ГАЗДАН ВА ЭЛЕКТР ТАРМОҒИДАН
ТЎҒРИ ФЙДАЛАНИНГ

ҚИШ ФАСЛИ ҲАМ КИРИБ КЕЛДИ. ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ
ТЕЗ-ТЕЗ ЎЗГАРИШИ ШАХСИЙ ВА БАЛАНД ҚАВАТЛИ АҲОЛИ
ТУРАР ЖОЙЛАРИНИНГ ЁНҒИНГА ҚАРШИ ҲОЛАТИНИ
ЯХШИЛАШ ЛОЗИМИЛИГИ, ФУҚАРОЛАРИНИНГ БЕПАРВОЛИГИ
КАТТА ТАЛАФНОТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИНИ ҲАР БИР ИНСОН
ҲАМ ТУШУНАВЕРМАЙДИ. ОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА
РИОЯ ҚИЛМАСЛИК, БУ — ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ҚУТ-БАРАКА,
ЭНГ ҚАДРЛИ ВА МУҚАДДАС ОИЛА, ШИРИН ФАРАНД ВА ЯҚИН
ИНСОНЛАРДАН ЖУДО БЎЛИШ, БИР УМРГА НОГИРОН
ОДАМГА АЙЛАНИБ ҚОЛИШ ДЕГАНДИР.

тан жароҳат олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай асаббузарлик
ва талафот бўлмаслиги, уйингизда офат балоси чиқмаслиги
учун газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига
риоя қилишингизни сўраб эдик. Шу билан бирга Ҳамза
тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими қуйидаги ёнғинга
қарши чораларни қўришингизни эслатиб ўтади.

1.Мўрқонларнинг теварак-атрофида ҳашак, ўтин ва шунга
ўхшаш ҳар хил тез ёнғичи тайёрловчи буюмларини сақлаш
таъқиқланади. 2.Иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз
фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб
кетилиши манъ этилади.

3.Ёқилган иситиш печлари устида, теварак-атрофида ҳар хил
ёнғичи қийимларни қуритиш, ўчиб қолган оловни ўт
ойдиришда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш ёнғичи
ёвуқлик ишлатиш ҳамда ёнғичи турган иситиш печларини
тузатиш таъқиқланади.

4.Ёш болаларнинг газ атрофида ўйнашларига йўл қўйманг
ва уларни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг.

5.Хонадонларда қўлбола электр иситиш мосламаларидан
фойдаланишга йўл қўймайлик. Ёнғинларнинг асосий қисми
аҳоли турар жойларида содир бўлаётганини ёнғин хавфсизлиги
хизмати билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари, маҳалла фаоллари,

фуқароларга ҳам масъулият к юклайди. Ёнғинлар таҳлили эса
хизмат ходимлари билан биргаллиқда дахлдор идораларнинг
хамкорлиги фаолият тизимида эҳтиёжлар келтириб чиқаради.
Унинг самалари хамкорлиги ёнғинларнинг олдини олишда ҳам
муҳим ўрнин тутади. Эеро, ёнғин ҳеҳавфсизлигини таъминлаш,
ёнғинларнинг содир бўлиши, мулкни йўқотиш, инсонларнинг
жароҳатланишларининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги
хизмати ходимлари, балки ҳар бир ташкилот, муассаса, қорхона
м муҳим бўлади.

Саъдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ҳамза ТИИБ ЁХБ 8-ХЕҲЕХО
кичик инспектори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА
БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИ
2007 йил 28 декабрдан 2008 йил 13 январгача
Мактаб ўқувчиларининг
қишки таътил кунларида
Тошкент давлат цирки барчангизни
«ЗОЛУШКА»
цирк спектаклига таклиф қилади.
Сехрли эртанинг қизик воқеалари — сизга
мунтазири!
Томошалар соат 10.00, 12.00, 14.00
ва 16.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман
кассирлари томонидан сотилмоқда.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар
учун телефонлар:
144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН
ФЙДАЛАНУВЧИ ҚОРХОНА
ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА !
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда
ундан фойдаланиши ҳисобга олиш ва назорат қилиш
тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар»
тўғрисидаги 512-сонли қарорига асосан, Сиздан
2008 йил 1 январга қадар электр энергиясининг индукцион
электр ҳисоблагичларини Электр энергиясининг
автоматлаштирилган назорат ва ҳисобга олиш тизимига
(АСКУЭ) уланиши кўзда тутилган замонавий электрон
электр ҳисоблагичларга алмаштириш талаб этилади.
Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган
қорхона ва ташкилотларга электр энергиясини бериш
тўхтатилади ва электр энергиясини етказиб бериш ва
ундан фойдаланиш учун шартнома бекор қилинади.
«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ ҚОРХОНАСИ» МАЪМУРИЯТИ

Банкрот-қорхона ОТАЖ «А.Иброҳимов номли
и Тошкент чинни заводини тугатиш иши юзаси-
дан Маълумот.
ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни за-
води»нинг кредитор ва акциядорларига тегишли сум-
маларни (туғатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган)
қилиш учун Тошкент шаҳар 1-сонли Яқкасарой ту-
р-и ман Давлат нотариусига (Манзил: Тошкент шаҳри, 4,
М.Таробий кўчаси, 8-үй) мурожаат қилиб, ДАТ «Халқ
қ банкининг Яқкасарой филиалида (Манзил: 100100, 1,
Тошкент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 2-«а») очил-
ган депозит ҳисоб варақиси орқали берилади.
Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар р
100207, Тошкент шаҳри, Ғалабаинг 40-йиллиги мав-
зеси, 2-даҳа, 29-ўйда жойлашган Тошкент шаҳар р
Давлат Архиви томонидан берилади.
Заводнинг собиқ ходимлари учун Шаҳсий жа-
и мариб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ Т
«Халқ банки»нинг Собир Раҳимов филиали томо-
нидан берилмоқда.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар
қуни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95, Факс:
(3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар
қўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир
Акmal AKPOMOB
Телефонлар:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилади.
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент
почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашрий-матбعا акциядорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6
Тошқирилган вақти: 13.00